

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Farg'ona shahar Markaziy dehqon bozori" AJ

Объявление

"FARG'ONA SHAHAR MARKAZIY DEHQON BOZORI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ИМТИЁЗЛИ ХУҚУҚ БЎЙИЧА

Farg'ona shahar "Markaziy dehqon bozori" aksiyadorlik jamiyati

акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

Farg'ona shahar "Markaziy dehqon bozori" aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда Жамият) кузатув кенгашининг 2023 йил 05июндаги қарорига мувофиқ номинал қиймати 1000 сўмлик 3.014.934 дона оддий акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги томонидан 2023 йил 03июль куни M0172-12 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Жамият акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади.Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (ўн тўрт) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2023 йил 05июнь холатига шакллантирилган Жамиятакциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар **1000** сўм нарҳда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак.

Жамият акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$B/A=C$

3014934 /10444100 =3.4641

Шунда:

10444100 – Жамият устав капиталидаги умумий акциялар сони

3014934 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони

А – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги акциялари сони

В – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони

С – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинadиган акциялар сони – 3.4641 дона

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун жамиятнинг қимматли қоғозлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 937332259.

24.08.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16179/>

Дата: 07.05.2026